

4298278 СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шў эҳсулдан, бюджет таъкилотлари) учун

Самарқанд ш.

2022 йил " 27 " январь

"Ўзбекителеком" ашавдорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номдан 2021 йил 18-октябрдаги 27-01-14/5073-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Ўзбекителеком" АҚ Самарқанд филиали директори Эшпазаров Нодирбек Тиркашевич (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан Самарқанд вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Самарқанд вилояти* (кейинги ўринларда – Абонент) икки томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйиладиган ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбекителеком" ашавдорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тиқлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик таннишб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома туздилар:

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептнинг) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхатини доирасида ўз тилловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан тақланган хизмат тури ҳақида ушбу шартномани тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигиндан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиши даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаши юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатиладигани кейин тўловни амалга ошириши (Postpaid) тизими шартлари тағбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиши учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишида Абонент тўлови 100 (бир юз) **фонз** миқдорига олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан тақланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир тақланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет таъкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий сўммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан тақланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми **бизни** белгиланади.

Шартноманинг умумий сўммаси (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) **17 250,00 (ўн етти миң икки юз эллиқ) сўм** миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий сўммаси олиб кетган тақдирда, ортисча сўзма Томонлар ўртасида имзолаган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўлинадилар.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул мийлағларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиши учун етарли мийлағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланиши ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаглиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаглигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун истиалаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни истиёрини равишида блокеринга юлиши учун ярағ топириши керак. Блокеринга қилиши тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинадилар.

3.8. Оператордан бонуслар қўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча мийлағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланимайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёшлади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланттирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг балниси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг вафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавабгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда Ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни Ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ интисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, Ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаоллигига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга кириди ва 20.12 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) Ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 20.12 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) Ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусxada расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд,ул.М.Улугбека,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz;</p>	<p>АБОНЕНТ: <i>Самарқанд вилояти АОРБ</i> Манзил: <i>140100 Самарқанд вилояти</i> <i>И.Вурсеилов кўчаси 80-йў</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>1000 20 601840 12089700134001</i> СТИР: <i>201213456</i>; МФО: <i>0004</i>; Банк номи: <i>Ўзбекистон Республикаси Банки АТБ</i> Тел: <i>66 235-28-36, 235-28-40</i> E-mail: _____;</p>
<p>Оператор томонидан: _____ /имзо/ м.ў. _____ Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)</p>	<p>Абонент томонидан: _____ /имзо/ м.п. _____ Ф.И.Ш. <i>М.Ҳободулқиев</i></p>

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги -Миллий валюта(сўм)

т/р	Хизматларноми	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдор и	Ой (сон и)	15% ҚҚСбиланТўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5		6
I. Бирмарталик тўловлар						
1.1	Битта (шахар, туман) ракамидан фойдаланиш хукукини такдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов)		125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади			
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари						
2.1	Бир ойлик абонент тўлови“Оддий”тариф режаси (180 минут, лимитдан ортик сўзлашув 12 сўмдан)	6 900,00	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	2	3	13 800,00
2.2	Кушимча хизмат турлари (телеграф, факс, АОН, параллель, прямой провод,пароль, соед.линия,переадр., охран.сигн. ва х.к.)	3 450,00	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади		3	3 450,00
2.3	Лимитдан ортик сўзлашув (ўртача)		125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади			
Жами (олдиндан тўлов)						17 250,00

Жами олдиндан тўлов микдори **17250,00** (ўн етти минг икки юз эллик) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори **17 250,00** (ўн етти минг икки юз эллик) сўми ташкил этади. Ундан **17 250,00** (ўн етти минг икки юз эллик) сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____,00 (_____) сўм бир мартабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АК
Самарқанд филиали

АБОНЕНТ:



Оператор номидан: _____
Директор
имзо/ _____
м.у. Эшназаров Н.Т.



Абонент номидан: _____
имзо/ _____
м.у. Шермухамедов Д.М.